ВАТАН ХАРИТАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Халқ истеъмоли моллари-97" кўргазмаси давом этмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган маҳаллий ташкилотлар, завод-фабрикалар ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги автомобиллар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, электроника, ошхона жиҳозлари, ичимлик ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда.

* * *

«Ўзсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида янги йил арафасида аёлларимиз учун муносиб совға ҳозирланди, яъни бу ерда аёллар пойабзали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирча аёллар оёқ кийимининг уч тури чиқарилмоқда. Келгусида эса бу кўрсаткич саккизтага етади.

* * *

Янги йилда «Оила, экология ва саломатлик» Ўзбекистон — Покистон қўшма дастурини тузишга тайёргарлик бошланади. Мамлакатимизда фаоият кўрсатаётган Покистон дипломатияси билан «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида бўлиб ўтган учрашувда шундай қарорга келинди.

* * *

Хонобод шаҳри яқинидан ўтувчи Жалолобод — Тошкент — Бишкек халқаро йўлининг 9-километри ҳам халқаро талаб даражасида таъмирдан чиқарилди. Бу ишни «Андижонавтойўл» давлат ҳиссадорлик жамияти йўлсозлари бажаришди.

* * *

Бойсун туманининг Шўроб қишлоғида гипс ва албастр ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга тушди.

* * *

Фарғона вилоятининг табаррук онахонлари, мухтарама аёллари ва дилбар қизлари энди ўз газетасига эга бўлди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси муассислигидаги «Ойдин» ижтимоий, адабий-бадиий газетаси вилоят аёллари ҳаёти, болалар тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар ҳақида ҳикоя қилади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон келгуси молия йилида уй-жойсиз американкаларга қўшимча равишда 327 миллион доллар ёрдам пули берилишига эришишни мўлжаллаяпти.

* * *

Ҳиндистонлик Ананд шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки финалчиси бўлди.

* * *

Нью-Йоркдаги Герисей аукциони АҚШнинг собиқ Президенти Жон Кеннедининг шахсий буюмлари йиғиндисини савдога қўйишни эълон қилди.

* * *

Бутунхитой халқ вакиллари мажлисининг навбатдаги сессияси иштирокчилари Хитой раҳбариятидаги муҳим ўзгаришларни тасдиқлаши керак.

* * *

Кеча Озарбойжон Бош вазирининг Грузияга расмий ташрифи бошланди.

* * *

Туркия Бош вазири Месут Йилмаз бир кунлик ташриф билан Ашгабадга келди.

* * *

Боснияда шу йилнинг сентябрь ойида Мостар шаҳрида бомба портлашида айбдор, деб гумон қилинаётган учта хорижий қўпорувчи ҳибсга олинди.

* * *

Қозоғистон ва Қирғизистон ҳукумати делегациялари кеча Бишкекда икки томонлама иқтисодий муносабатларни муҳокама қилишди.

* * *

Эрон билан Миср яқин келажакда дипломатик муносабатларни тўла тиклашмоқчи. Маълумки, 1979 йили Эрон революцияси тўфайли ағдариб ташланган шоҳга Миср томонидан сиёсий бошпана берилган эди. Ўшандан буён икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар бузилганди. 1991 йилда муносабатлар чала тикланди. Энди эса Эрон Яқин Шарқдаги араб давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамламоқда.

* * *

Тайбэй мамлакати ўз Президенти Ли Денхуэйнинг келгуси йил бошида Африка бўйлаб сафарига фаол тайёргарлик кўрмоқда.

* * *

Бутунжаҳон таъмирлаш ва тараққиёт банки Босния иқтисодиётини таклаш учун 27 миллион доллар заём ажратишни маъқуллади. Шундан 10 миллион доллари мусулмон-хорватлар яшайдиган ҳудуддаги газ тармоқларини яхшилашга ва 17 миллиони Сербия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳамда уй-жой қуришга сарфланади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 декабрь, шанба № 152 (22.235).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МЕҲНАТДАН КЕЛДИ БОЙЛИК

Вобкент туманидаги Хайрулла Камолов номли жамоа хўжалиги бригадири Сулаймон Норов янги йилни ўз «Тико»сида қаршилайдиган бўлди. Бу ерда нишонланган ҳосил байрамида унинг ёз бўйи қилган меҳнатлари муносиб тақдирланди. Бригадир 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан ҳосил кўтиришга муваффақ бўлган эди. Шунга айтадилар-да, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб.

Даврон БАҲРОНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ



Суратларда: сессия пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабрь куни Тошкентда парламентнинг янги биносида иш бошлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия корпусининг вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари залда ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар сессия кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги нутқини сессия иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар зўр эътибор билан тингладилар.

Парламент Ўзбекистон Президенти нутқида баён қилинган мамлакат аграр соҳасида истиқболдаги ислоҳотларнинг кенг дастурини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишга киришди.

Чунончи, Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари М. Икромов Ер кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди, шу қўмита котиби П. Шаропов ўз маърузасида деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунга бир қанча муҳим ўзгартишлар киритишни таклиф этди, Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев ўз маърузасида Гаров тўғрисидаги қонунга муҳим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлигини асослаб берди.

Шу тўрт ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти, Боғдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, «Хоразмсувқурилиш» трестининг бошқарувчиси Ю. Худойберганов, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев, Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳокими С. Муродов, Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А. Назаров, Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳокими К. Холдоров, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Олтинкўл» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокими О. Назаров, Тошкент вилояти Чиноз тумани Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Самарқанд вилояти Ургут тумани Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К. Йўлдошев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳокама қилинаётган ҳужжатлар лойиҳаларига бир қанча жиддий қўшимчалар киритишни таклиф этди.

Депутатлар қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар, Ер кодекси лойиҳасини пухталаштириш, бошқа бир қанча қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни тегишли вазирликлар ва идораларда, парламент қўмиталарида давом эттириш ва уларни кўриб чиқиш учун навбатдаги сессияга тақдим этиш тўғрисида қарор қилдилар.

Сўнгра депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Молия вазири Ж. Сайфиддинов маъруза қилди. Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари бўйича қўмитасининг раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳокими У. Хўжаназаров, Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев иштирок этди. Муҳокамадан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджетини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

***

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 26 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент мажлисида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинованинг Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С. Усмонов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова иштирок этди.

Парламент Оила кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади. Уни умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Шу масала юзасидан парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш республика ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири Х. Дўстмуҳамедов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Олтиев, «Ўзэлектроаппарат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Алимбоев сўзга чиққандан сўнг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида сўзга чиқди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент давлат аграр университети ректори Х. Буриев, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Ҳалимбетов иштирок этди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Олий Мажлис ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳани депутатларга Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев тақдим этди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов, Фарғона шаҳри Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов сўзга чиққандан сўнг депутатлар қонунни тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент давлат юридик институтининг ректори Х. Бобоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими К. Нуниёзов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Депутатлар Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошевнинг маърузаси юзасидан Божхона Кодекси лойиҳасини кўриб чиқдилар ҳамда уни қабул қилиш ва 1998 йил 1 мартдан кучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, Халқаро ишлар ва мамлакатлараро алоқалар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан киритилган Ўзбекистоннинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришадилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Г. Исмоиловнинг маърузасидан сўнг парламент мазкур қонунни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим қонун ҳужжатлари тўла ёки қисман ўз кучини йўқотганини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро конвенцияга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис ўнинчи сессияси котибиятининг раҳбари, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби М. Отабоев сессия номига келган мактублар ҳамда депутатлар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари ва айрим фуқароларнинг аризалари тўғрисида ахборот берди.

Парламент Олий суд раиси У. Мингбоевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгаришлар киритилди.

Сўнгра Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларини ва Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади.

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов минбарга чиқади.

Бугун, Олий Мажлиснинг ўнинчи, айтиш мумкинки, юбилей сессиясида, деди у, республикамиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлга яна бир бор назар ташлаймиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигига, бу йўл узоқни кўриб, донолик билан ишлаб чиқилганига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қиламиз, бу йўл халқаро миқёсда кенг эътироф этилди ва Ўзбекистон модели номи билан тарихга кирди. Ўзбекистон халқи XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини белгилаб берадиган улкан янгиланишларни тарихан қисқа даврда ортиқча қийинчиликларсиз амалга ошира олди.

Халқимиз ҳозирги барча муваффақиятларни ва келажакка ишончини давлатимиз бошлиғи, Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ томонидан сайланган Президенти, бутун ҳаётини Ватанимизнинг бахт саодати ва гуллаб-яшнашига бағишланган Ислом Каримовнинг номи ва фаолияти билан ҳақли равишда боғламоқда.

Олий Мажлис депутатлари халқ иродасини ифодалаб, Ўзбекистон давлат қурилишидаги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини оширишдаги, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатининг вужудга келишида ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди.

Депутатлар Э. Воҳидов, А. Ғуломмаҳмудов, Н. Иброҳимов, М. Эгамова ва С. Усмонов Ўзбекистон Президентини мукофотлар билан табрикладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия якунида сўзга чиқди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси шу билан ўз ишини тугаллади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ – ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС X СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли депутатлар!

Аввалгамбор, сиз, халқ ноибларини бу муҳташам сарой — мамлакатимиз Олий Мажлисининг янги биносида муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Мен ишонаман: мана шу кўзни қувонтирадиган сарой, содда тил билан айтганда, халқ ноибларининг уйи барпо этилиши, ишга туширилиши, унинг гўзаллиги ва салобати, миллий шаклн ва замонавийлиги Олий Мажлисимизнинг фаолиятини, иш самарасини, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, қадр-қимматини янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонимизнинг бетакрор рамзи тариқасида тарихга киради.

Менинг тилагим: илоҳим пойтахтимизнинг марказида қад кўтарган ҳашаматли иншоотимиз эл-юртимизга қут-барака берсин, мустақиллигимизни янада мустаҳкам қилсин, халқимизнинг фаровон ва ёруғ келажаги йўлида раҳнамо бўлсин. Мана шу бинони қурган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин.

Муҳтарам депутатлар!

Қадрли меҳмонлар!

Азиз дўстлар!

Олий Мажлис X сессияси кун тартибига, бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда, улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган — **қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласи ҳам киритилган.**

Бугун қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бераётганимиз албатта бежиз эмас.

Бу нима билан боғлиқ?

Аввало, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шуни тақозо этмоқда. Ҳозир аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. **Бу — масаланинг иқтисодий жиҳати.**

Ижтимоий соҳада эса — мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Энг муҳими, бу — муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етяпмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ.

Шу боис мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлабоқ биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратдик.

Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берар эканмиз:

Биринчидан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари барпо бўлаётгани ҳақида гапиришимиз лозим. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсу-

(Давоми 2-бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ – ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

лотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгарди. Унда нодавлат секторнинг улуши 98 фоизга етди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида 1374 та жамоа, 99 та ижара хўжалиги, 51 та акционерлик жамияти, 20 мингдан ортиқ мустақил фермер хўжаликлари, 526 та шахсий чорвачилик фермаси ва 3 миллионга яқин шахсий томорқа хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисобкитобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кенг қўллана бошлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, бу соҳани бошқаришнинг тамойиллари ва тизими ўзгармоқда. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий-техник таъминотини таъминлаш тизими такомиллашмоқда. Шу мақсадда машина-трактор парклари тармоғи вужудга келтирилди.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки кўринишлари намоён бўла бошлади. Ихтисослаштирилган тижорат банклари — «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Заминбанк» ипотека банки тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Ўзагросуғурта» компанияси тузилди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигининг ўзида сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти деб аталган ва эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди.

Ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Кейинги уч йилнинг ўзида ғалла майдонлари, биринчи навбатда, буғдой экиладиган ерлар 300 минг гектардан зиёд ошди. Бу эса бизга 2,9 миллион тонна ёки 1994 йилдагидан 1,7 марта кўп дон етиштириш имконини берди. Натижада озиқ-овқат учун республикага дон импорт қилиш 6 баробар қисқарди.

Илгари мамлакатга четдан олиб келинадиган картошка, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш анча кўпайди.

Бешинчидан, республика ер фондини ривожлантириш ва кўпайтиришга, ернинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳар йили 15-25 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди ва 40-50 минг гектар аввалдан фойдаланиб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йиллари давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар бу устувор тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланди. Бу йил ҳам самарали бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўтган йил даражасидан 7 фоиз ортиқ бўлиши кутилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароити, қайта экишга мажбур бўлинганига қарамасдан, бу йил қарийб 3,7 миллион тонна пахта хомашёси, 2,9 миллион тонна ғалла, шу жумладан, 2,7 миллион тонна буғдой ҳосили тайёрланди.

Мана шу юксак минбардан туриб мамлакатимиз мустақиллиги ва иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча қишлоқ меҳнаткашларига самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг бориши, чуқурлашуви ва самарадорлиги бизни қониқтира олмайди. Очиқ тан олишимиз керак: қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ кўплаб муҳим омил ва имкониятлар ҳали ишга солинмаган.

Аввало, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади — **қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.**

Иккинчидан, бозор механизми ва омиллари ҳали қишлоқда ўз ривожини тополмаяпти. Кўплаб қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик юритиш шаклларини — ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни рағбатлантириш, ички хўжалик иқтисодий муносабатларининг усул ва йўлларини ўзгартиришда юзакичиликка ва расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

Бу биринчи навбатда қишлоқ меҳнаткашларининг ўз меҳнати натижаларидан, унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлиги ва рағбатлантирилишида кўринади. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг серхаражат механизми ҳамон устунлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараётир. Моддий харажатлар билан ишлаб чиқариш натижаларида ҳаддан ташқари катта фарқ бўлишига олиб келмоқда.

Учинчидан, бошқарувнинг эски усулларидан ҳали ҳам воз кечилгани йўқ. Маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига аралашуви давом этмоқда. Қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий ва технологик мустақиллиги йўлига сунъий тўсиқлар қўйилмоқда.

Тўртинчидан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, уруғчилик ва чорвачиликда наслчилик муаммоларига етарли эътибор берилмаётир. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда агротехника талаблари бузилмоқда. Уруғчиликнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани пахта, дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконини бермаётир.

Бешинчидан, кўплаб хўжаликларнинг молиявий аҳволи ўта қониқарсизлигича қолмоқда.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб ва қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни очиқ тан олишимиз керакки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида қишлоқда хўжалик юритишнинг заиф жиҳатлари кўриниб қолди. Бу биринчи галда деҳқоннинг ерга, мулкка, ишлаб чиқарилган маҳсулотга ва даромадга эгалик қилишининг ҳуқуқий асосларига тегишлидир. Шу муносабат билан «Ер тўғрисида»ги, «Мулк тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини қайта кўриб чиқиш зарур. Бугун янги шароит ва талабларга жавоб берадиган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги қишлоқда ислоҳотларни ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларидан унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш жараёни ортда қолмоқда.

Ҳам ҳуқуқий ва юридик асослар нуқтаи назаридан, ҳам амалий иқтисодий чора-тадбирлар белгилаш нуқтаи назаридан бу ҳолни пухта кўриб чиқиш, унинг таъсирли ечимларини топиш бугуннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Барча амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва уларга сезиларли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарурати туғилмоқда. Бошқа масалалар, айниқса, ердан фойдаланиш масаласи бўйича янги қонунлар, энг аввало ер кодексини қабул қилиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича яқин йилларга мўлжалланган аниқ мақсадли дастур қабул қилиш даркор.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун олис истиқболда мамлакатимизнинг бутун иқтисодиёти барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигининг ўрнига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Маълумки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқа иқтисодий тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улуши меҳнатга қобилиятли аҳолининг 5-7 фоизидан ортмайди. Бизда бу кўрсаткич 40 фоиздан ортиқдир.

Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчилар улуши эса 60 фоизни ташкил этади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, уларда қишлоқ хўжалиги мамлакат миллий бойлигини шакллантиришда ва ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асосий ўрин тутибгина қолмай, экспортнинг, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишнинг энг муҳим қисми ҳисобланади.

Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Голландияда бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнатга қобилиятли аҳолининг 4 фоизигина ишлайди. Бу давлатнинг ҳудуди ва аҳолиси Ўзбекистон билан солиштирганда бир неча баробар кам. Табиий шароити эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун анчагина ноқулай. Шунга қарамасдан, бу мўъжазгина мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёда 2-3-ўринларда туради. Экспортнинг йиллик ҳажми тахминан 35 миллиард долларни ташкил этади.

Тўпланган жаҳон тажрибаси ва қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этайлик. Бугунги шароит аҳоли бандлиги, қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини бўшатиш ва уларни иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тақозосига кўра ўзгартирилган турлари ва тармоқларига жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш масалаларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигидан бўшатилган ортиқча ишчи кучларини қайси хизмат турларига жалб этиш мумкин? Бизнинг мамлакатимиз шароитида бундай соҳалар жуда кўп. Бу — автомобилсозлик каби индустриянинг янги соҳалари. Бу — машинасозлик, нефть-газ саноати. Бу — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоқлари. Бу — қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш билан шуғулланадиган тармоқлардир.

Лекин, энг асосийси — бу хизмат кўрсатиш тармоғидир. Шўро давридаги сунъий схемаларга асосланган, яъни иқтисодиётни моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга ажратиш каби эски қолиплардан воз кечиш вақти етди.

У зарар келтирадиган мўрт тузилма бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳаларига муносиб ўрин ажратилмас эди. Бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари ҳаётимизга қанчалик кенг ва чуқур кириб борар экан, бу соҳалар шунча кўп ишчи кучи ва мутахассисни талаб этаверади.

Яна иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этишга тўғри келади. Уларда хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаётганлар улуши иқтисодиётда банд аҳолининг 55-70 фоизини ташкил этади. Айни вақтда бизда, ўтмиш сарқитлари сақланиб келаётганлиги сабабли, бу кўрсаткич 10-15 фоизга боради, холос.

Кўпчиликни ташкил этадиган қишлоқ аҳолиси бутун аҳолига таклиф қилинаётган хизматларнинг 20 фоизидангина фойдаланмоқда. Бугунги кунда шаҳарда истиқомат қилувчи одам деҳқонга нисбатан, олти марта кўп хизмат турларидан баҳраманд бўлади. Жорий йилда республикада ҳар бир кишига ўртача 2 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткич шаҳарларда 4300 сўмни, қишлоқларда эса бор-йўғи 700 сўмни ташкил этади.

Шу адолатданми? Бундай ҳол билан муроса қилиб бўладими?

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда маиший хизмат билан бир қаторда, банк ва суғурта ташкилотлари, харид қиладиган улгуржи савдо бозорлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини таъминлайдиган дўкон ва фирмаларнинг ўрни катта бўлиши зарур.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Келинг, яна бир карра чуқур ўйлаб кўрайлик: қишлоқ хўжалигида мавжуд аҳволни нима ҳисобидан ўзгартириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган, замонавий юксак технологияга асосланган ва юқори самарали соҳага айлантиришимиз мумкин.

Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги тараққий топган, лекин табиий шароити таҳминан бир хил бўлган бошқа давлатлар билан қиёслासак, шундай қатъий хулосага келиш мумкин: Ўзбекистонда аграр тармоқ ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ниҳоятда каттадир.

Бизда бу борада очиқ кўриниб турган имкониятлар кўп. Улар жаҳонда белгиланган ва кенг қўлланилаётган агротехник меъёрларга, қоидаларга амал қилишни, деҳқончилик маданияти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этишни талаб этади, холос.

Содда қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида тартиб ўрнатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан экинларни парваришлашнинг энг оддий қоида ва технология меъёрларига амал қилиш вақти етди.

Гап нима ҳақда кетмоқда?

Биринчидан, шуни яхши биламизки, тупроқ ҳосилдорлигини сақламасдан, уни оширмасдан, ерга ўз вақтида ишлов бермасдан туриб, ер тирик вужуд сифатида талаб қиладиган барча зарур тадбирларни амалга оширмасдан яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бусиз қишлоқ хўжалиги экинларидан узлуксиз юқори ҳосил олиш мумкин эмас.

Бироқ кейинги 10-15 йил мобайнида ерларнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайиши, унинг чарчаши, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ва шўрланган майдонларнинг кўпайиш ҳоллар вужудга келди. Бундай майдонлар суғориладиган ер фондининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Айниқса, ер асосий миллий бойлик бўлган, халқ фаровонлигининг асосий манбаи бўлган Ўзбекистонда бу масала ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ернинг ҳажми чегараланганини, сув етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалик оборотига қўшимча майдонларни қўшиш имконияти чекланганини ҳам унутмаслигимиз керак.

Суғориш тармоғидан фойдаланиш ва уни бошқариш механизмида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бергани йўқ. Йиллар давомида коллектор тармоқлари тозаланмайди, катта-катта майдонларда дренажлар ишдан чиққан. Сувга ҳамон эски тизим давридагидек хўжасизларча, боқимандалик муносабатида бўлинмоқда. Шунинг учун сув ресурсларини бошқаришда бозор механизмларини дадиллик билан жорий этиш юзасидан кескин чоралар кўриш лозим. **Биз аста-секин сувдан пул тўлаш орқали фойдаланишга ўтишимиз лозим.** Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш технологияси — томчилаб суғориш, суғоришнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланишни кенг жорий этиш, шунингдек, ўтказилаётган агротехник тадбирларнинг сифатини яхшилашга эришиш лозим.

Тайёрланган ер кодексида барча хўжалик юритувчи субъектларни, биринчи навбатда қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, ер ресурсларидан аниқ мақсадли ва самарали фойдаланиш борасидаги талабларни бажариш масъулиятини қайд этиш зарур. Ердан фойдаланувчилар ва ер эгаларининг ер фондини сақлашдаги масъулияти оширилиши даркор.

Иккинчидан, селекция ишларини ташкил этишни тубдан яхшилаш керак. Яхши уруғ яхши ҳосил бериши ҳаммамизга маълум.

Бироқ, узоқ йиллар мобайнида кўплаб хўжалик, туман ва вилоятларда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экишда қайта ишланмаган, тайёрланмаган ва ҳосилдорлиги паст уруғ навларидан фойдаланиб келинди.

Натижада пахта ҳосилдорлиги 1991 йил билан таққослаганда 30,7 центнердан 23,8 центнерга тушиб қолди. Ҳосилдорликнинг пасайиши картошкачилик ва сабзавотчиликда ҳам кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби селекция ва уруғчилик муаммоларига бўлган эътиборнинг пасайганлигида деб биламан. Шу масала билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган хўжалик ва муассасаларнинг ҳамма бўғинларида ана шу камчиликка йўл қўйилмоқда.

Уруғчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг фаолияти ҳам сифат жиҳатидан замон талабларига жавоб бермайди. Сотувга таклиф этилаётган уруғ кўпинча навнинг тозалиги ва униб чиқиши жиҳатидан стандарт талабларига мос келмайди. Аралаш навларни, истеъмол учун тайёрланган донни экиш орқали етиштирилган маҳсулотнинг технологик сифати пасайишига, ҳосилдорликнинг паст бўлишига, ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетишига сабаб бўлган ҳолларни тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд.

Жуда кўп мисоллар, айниқса Андижон вилоятида ҳаммага маълум ҳақиқатни тасдиқламоқда. Бу шундан иборатки, юқори ҳосил берадиган уруғни тўғри танлаш ҳисобидан, қўшимча ҳаражатларсиз, ҳосилдорликни Ўзбекистон шароитида энг камида 20-40 фоиз ошириш мумкин.

Шу боис бутун селекция ишларини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган, тезпишар, касалликка чидамли районлашган навларини яратиш ва кенг қўллаш биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа қилиб қўйилмоқда. Айниқса, пахта ва ғалла етиштиришда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиш муҳим вазифадир.

Ривожланган мамлакатлардан ибрат олиб, физиология, генетика, селекция соҳасида фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, бу ишга давлат ёрдамини мунтазам йўлга қўйиш, селекция ишининг жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим.

Учинчидан, ҳар бир экин ўз табиатига мос равишда тегишли агротехнологияга амал қилишни талаб этади. Бу тупроқни вақтида тайёрлашни ҳам ўз ичига олади. Бунга сифатли, тегишли равишда тайёрланган, юқори ҳосил берадиган уруғни белгиланган муддатларда экиш, ерга зарур миқдорда ва мутаносиб равишда минерал моддалар ва ўғитлар солиш, ўз вақтида суғориш ҳам киради. Бунда ўтоқ ва чопиқ қилишни, пахтачиликда эса дефолиацияни ҳам вақтида ўтказишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Энг муҳими, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ҳам улкан аҳамият касб этади.

Ота-боболаримиздан қолган мақоллари ёддан биламиз, аммо, минг афсуски, уларга ҳаётимизда камдан-кам эътибор берамиз. **«Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда»,** — деган нақлга-ҳикматга нима учун риоя қилмаймиз?

Ахир ер узоқ кечикиш билан, баъзида янги йилнинг январ-март ойларида ҳайдалса, тупроққа етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар солинмаса, юқори ҳосил ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Айниқса, экинларни суғоришни ташкил этишда кўп нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Меҳнатнинг яхши ташкил этилмагани тупроқ ҳосилдор қатламларининг эрозияга учрашига, камёб сувнинг ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчи масала — қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаш муаммоларидир.

Кейинги йилларда пахтани машина ёрдамида териш ҳажми кескин пасайиб кетгани ҳам кишини ташвишлантиради. Агар 1992—93 йилларда машиналар билан ҳосилнинг 40 фоизга яқини териб олинган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилда 6, бу йил эса 4 фоизга тушиб қолди. Республика бўйича 75 туман хўжаликларида, Бухоро, Фарғона вилоятларида эса амалда ялпи пахта ҳосили қўл кучи билан терилди.

Кўплаб хўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари бу аҳволни қишлоқ хўжалик техникаси етишмаслиги, уларнинг ҳаддан ташқари ишдан чиққани билан изоҳлашга уринмоқдалар. Лекин Жиззах вилоятида мавсумга тайёрланган ва янги олинган 1480 та машинадан атиги 542 таси, Сирдарё вилоятида эса 1453 агрегатдан 867 таси теримга жалб этилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни, айниқса пахта теришни механизациялаштирмай туриб йиғимтерим мавсумини қисқа муддатларда ўтказиш, уни октябрь ойида тугаллаш мумкинми? Холбуки, бу бизга ерни янги мавсумга, янги ҳосилга тайёрлаб қўйиш учун имкон беради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш мақсадида 1998—2000 йилларда бу соҳанинг моддий-техника базасини янада тўлдириш ва янгилаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 633 та «Кейс» ғалла ўриш комбайни, 544 та «Магнум» ҳайдов трактори сотиб олинди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари негизида «Каминс» фирмаси двигателлари билан ишлайдиган тракторлар, «Кейс» фирмасининг ҳайдов ва пахта териш машиналарини, «Марал» озуқа йиғиш комбайнларини, шунингдек, плуглар, ғалла экадиган сеялкалар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дастурда кўрсатилган тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажариш лозим. Қишлоққа зарур техника воситаларини етказиб бериш, уларга эҳтиёткорона ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишни ташкил этиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида, республикада машина-трактор парклари тузилди. Бугунги кунда бу парклларда барча ҳайдов тракторларининг 43 фоизи, дон ва шоли ўриш комбайнларининг 48 фоизи, шунингдек, 122 мингдан ортиқ турли техника воситалари жамланган. Улар бугунги кунда ер ҳайдаш бўйича 60 фоиз, ғалла йиғиб олиш бўйича 55 фоиз ишларни бажармоқда. Лекин ҳозирча бу парклар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган қудратли кучга айланганича йўқ.

Шунинг учун ҳам машина-трактор парклари тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади. Рақобат муҳитини вужудга келтириш учун ҳар бир туманда бир неча хўжаликка хизмат кўрсатадиган парклар тузиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, давлатга қарашли бўлмаган мулк шакли асосида ҳам шундай парклар тузиш керак. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида амал қилинаётган лизинг бўйича қишлоққа техника келтириш тизими ҳам ҳали етарли даражада ривож топмаяпти.

Яна бир муҳим муаммо. Усимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва минерал ўғитлардан кўр-кўрона фойдаланиш, уларни бевақт ва нотўғри ишлатиш, ортиқча сарфлаш нафақат кутилган самарани бермаяпти, аксинча, тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига, атроф муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Одамлар соғлиғига катта зарар етказмоқда. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун қишлоқ хўжалигини зарур минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланишни нафақат тубдан ўзгартиш, балки агрохимик қоидаларга қатъий амал қилишда талабчанликни ошириш, уларни қўллаш маданиятини юксалтириш лозим.

Бешинчи муҳим масала, бу — деҳқон меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнатнинг пировард натижалари билан боғлиқ ҳолда унинг иқтисодий рағбатлантириш омилларини кучайтиришдир.

Шуни тан олишимиз керакки, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг кучли рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи механизмлари ва самарали тизимини ҳали вужудга келтирганимиз йўқ. Деҳқон етиштирган маҳсулотга ўз вақтида ҳақ тўлаш, ҳисоб-китоб ишларида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш тизимини тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Азиз дўстлар!

Деҳқончилик маданиятининг замонавий тизими тақозо этадиган бундай талаблар руҳиятини анча давом эттириш мумкин.

Ана шу барча қоида ва талабларга ҳар қандай маърифий жамиятда, ҳар қандай давлатда, ҳар қандай ижтимоий тузумда риоя қилиниши шарт. **Ҳамма гап бунинг учун қишлоқ хўжалиги билан масъулиятли одамлар, юқори малакали раҳбар ва мутахассислар, ўз мамлакатининг фаровонлиги учун қайғурадиган фидойи кишилар шуғулланиши керак.**

Бу қоидаларни бажариш учун қўшимча катта сарф-харажат талаб қилинмайди. Лекин уларга амал қилмасдан яхши ҳосил олиш ҳақида ҳам умид қилиб бўлмайди. Ҳамиша, ҳамма замонларда ҳам шундай бўлиб келган. Бироқ, минг таассуфлар бўлсинки, яққол кўриниб турган, лекин амал қилинмаётган қоидалар ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Бугун яна шундай масалалар ҳам борки, улар ҳақида қуйинмасдан гапириб бўлмайди.

Келинг, вазиятга очиқ кўз билан қарайлик. Мисол учун ўз томорқасида ҳосил етиштирган деҳқон бозор, унинг қаттиқ талаблари билан юзма-юз бўлади. У бозорда қандай маҳсулотга эҳтиёж кўплигини, нимани сотса сарфланган харажатлари қопланиб даромад келишини, ўзининг ва оиласининг эҳтиёжлари таъминланишини олдиндан билади.

Нега энди мана шу оддий механизм хўжаликлар миқёсида ишламаяпти?

Бунинг сабаби шундаки, хўжаликлар бозор муносабатлари тизимида деярли ишламаяпти. Қандайдир ярим, аниқроғи — чала бозор муносабатлари вужудга келиб қолган. Уларни эски бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва сарқитлари тўрига ўраб ташламоқда.

Давлат, хўжалик, тайёрлов, қишлоқ хўжалигининг молиявий ва таъминот ишлари билан шуғулланадиган ташкилотлар ўртасида ҳам, бевосита хўжаликлар ўртасида ҳам вужудга келаётган муносабатларнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Кўпгина раҳбарлар онгида режали иқтисодиёт йилларида шаклланган эски ақидалар ҳамон яшаб келмоқда. У пайтда раҳбарлардан ҳосилни йиғиб олиш бўйича белгиланган план топшириқларини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бажариш талаб қилинарди. Давлат қарзлар ва барча харажатлардан воз кечиб кетишини олдиндан ҳамма биларди. Муҳими, маҳсулот миқдори ва ҳажми эди, бу миқдор нимани эвазига келгани ҳеч кимни ташвишга солмас эди. Бу қоидани яхшилаб ўзлаштириб олган раҳбарлар қаҳрамон бўлиб гердайиб юрарди. Ҳар қандай йўл билан режани бажариш раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, уларнинг сиёсий етуклигининг асосий мезони эди.

Афсуски, бугун ҳам раҳбарлар фаолиятига ўтмишнинг ана шундай номақбул ўлчови билан ёндошмоқдамиз. Шунинг учун ҳам эски психология, баҳолашнинг эски мезонлари асосига қурилган ортиқча сарф-харажат механизми бугун ҳам ишлаб турибди. Кейинги йилларда паст рентабелли ва зарар кўраётган қишлоқ хўжалик корхоналари сони қисқариш ўрнига тобора ошиб бораётганини бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз бугун сессияда **қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини** кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдамиз. Бозор муносабатлари ҳар қандай фаолият асосида энг аввало иқтисодий фойда ётишини, ишлаб чиқариш сўзсиз равишда рентабелли бўлишини тақозо қилади.

Биз доимий равишда бу санъатни ўрганишимиз зарур. Айнан молиявий натижаларгина раҳбарнинг қобилиятини белгилайдиган мезон бўлиши керак.

Азиз ҳамюртлар!

Юқорида тилга олинган, хўжалик юритишнинг оддий бўлиб кўринган бу тамойилларини энг аввало нимани ҳисобидан амалга ошириш мумкин, деган савол туғилади.

Биринчи ва асосийси — мулкка муносабатни тубдан ўзгартириш ҳисобига йўлга қўйилиши лозим.

Бу ўринда ерга эгалик масаласи энг муҳим масала бўлиб қолади.

Ерга эгалик қилиш масаласида, шу жумладан, ерни хусусий мулк қилиб беришда жаҳон тажрибасидан ўрганишимиз ўринлидир. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида эришилган барча муваффақиятларни авваламбор ерни асраб-авайлаш, ерга эгалик муносабатини тиклаш ҳисобидан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, хусусий мулкчиликдан афзалроқ ва самаралироқ шаклни ҳали ҳеч ким ўйлаб топгани йўқ.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, бутун дунёда бўланидек, аввало бу ўринда гап қандай ер ҳақида ва ерга эгалик муносабатининг шакли тўғрисида кетаётганини тушуниб олишимиз керак.

Ерга эгалик тушунчасининг ўзи анча кенг бўлиб, у ердан қандай мақсадда фойдаланишга қараб ўзгариб туради. Алоҳида ер участкалари — шаҳарлардаги ер, коммуникациялар ўтган ер, корхоналар жойлашган ер, томорқа ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер тушунчаларини аниқ ажратиб олиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган ерларга келсак, бизда аллақачондан бери уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Ерларни қурилишлари билан сотиш, ерни шахсий қурилиш учун кимошди савдосида сотиш, ерга эгалик ҳуқуқини сотиш ва бошқа ишлар қонунчилик асосида йўлга қўйилган ҳамда кенг амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимизнинг умумий ҳайдаладиган сувли ер майдони 4 миллион 300 минг гектани ташкил қиладиган бўлса, бугун унинг тахминан 650 минг гектари, яъни 15 фоизи аҳолига хусусий томорқа сифатида берилган. Агарки фермер ва деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдонини ҳам ҳисобга олганда, бу рақам бугунги кунда 1 миллион гектардан ошади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ер ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бу борада турли мамлакатлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрамиз. Бу тафовутлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни сотиш ва сотиб олишга тўла ҳуқуқ берилишидан тортиб, ернинг бутунлай давлат ихтиёрида бўлишини ўз ичига олади. Буни Исроил ва Янги Зеландия мисолида яққол кўриш мумкин.

Давлатнинг ерга эгалиги анча юқори ўрин тутадиган мамлакатлар бор. Голландия, Бельгия, Дания, Австралия сингари мамлакатлар шулар жумласига киради. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги жуда юксак даражада ривожланган бўлиб, улкан экспорт салоҳиятига ҳам эга.

Иқтисодий тараққий этган кўпгина мамлакатларда ерга эгалик қонунчилик томонидан қаттиқ чеклаб қўйилган ҳамда давлат томонидан бошқарилади. Бу мамлакатларда тегишли давлат органларининг махсус рухсатисиз ерни сотиш, сотиб олиш, ҳадя қилиш, алмашиш, ижарага бериш мумкин эмас. Ер участкасининг номақбул тарзда бўлиниб кетиши оқибатида қишлоқ хўжалик корхонасининг касодга учраш хавфи туғилса, ундай ҳолларда ер билан боғлиқ барча битимлар тақиқланади.

Қишлоқ хўжалигига оид махсус билимга, маълум иш тажрибасига эга бўлмаган ва бошқа тегишли талабларга жавоб беролмайдиган кишиларнинг ер сотиб олиши тақиқлаб қўйилган. Давлат ерга қўйилган нарх устидан назорат қилиб туради. Бошқа с

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ — ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ

(Давоми. Боши 2-бетда)

дан шахсий фойдаланишни жорий этиш хўжаликлараро ягона ирригация тизими билан зиддиятга олиб келади. Шунинг учун қадимда ҳам ҳосилдор ерлар ва суғориш тармоқлари тўла равишда мулк қилиб бериб қўйилмаган, давлатга тобе бўлган. Бу мусулмончилик урф-одатларига мос келган. Бу одат бўйича ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи маълум шартлар билан чегаралаб қўйилган ҳамда ерга ишлов бериш ва ирригация тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш мажбурий бўлган.

Ер хусусий шахсларга «Мамлакат ери» деб аталган тартиб асосида ижарага берилган. Бунинг учун хазинага ҳосилнинг бешдан бир қисмидан тортиб ярмигача бўлган миқдорда маълум ижара ҳақи тўланган. Бу ерни бўлиш ҳам, ҳадя қилиш ҳам, васият қилиб қолдириш ҳам мумкин бўлмаган. Фақат ўғил отаси фойдаланган ердан шартли равишда фойдалана олган. Буларнинг барчаси яқин ўтмишда Ўрта Осиёда ҳам ерга тўла эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганидан далолат беради. Лекин у Европа ва Америкадаги ерга эгалик қилиш тушунчасидан фарқ қилади.

Иккинчи муҳим омил — бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ихтисослаштириш билан боғлиқ жиҳатдир. Пахта ва ғалла сингари ғоят муҳим товар маҳсулотларни айрим кишиларга мансуб кичкина майдонларда, алоҳида кишилар меҳнати билан, ҳатто юксак механизацияни ишлатиб ҳам етиштириб бўлмайди. Бу ҳам ерни хусусийлаштиришни жорий этиш имкониятини сезиларли даражада чеклайди.

Сабзавот ва полиз экинлари, чорвачилик, боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришда эса вазият ўзгача. Бундай маҳсулотларни етиштиришни хусусий шахслар ихтиёрига бериш мумкин.

Хулоса шуки, бизнинг деҳқончилигимиз асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашмоқда. Бу иш аксарият суғориладиган ерларда амалга оширилади. Бу жараён хўжаликлараро суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланади. Шунинг ўзи ҳам бизнинг шароитимизда бундай ерлар сотиш ва сотиб олиш объекти бўлиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди.

Акс ҳолда бу кескин ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни туғдириши мумкин. Яъни жамиятнинг кескин равишда қутбларга бўлиниб кетиши, ер ҳамда сувдан фойдаланиш заминида кескин ижтимоий зиддиятлар рўй бериши, ирригация тармоқлари ҳолатининг ёмонлашуви ва бошқа салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Лекин шу билан бирга, ердан фойдаланишнинг бугунги мавжуд механизми ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Чунки бунда инсон мулк объекти — ердан амалда ажратиб қўйилган. Чунки деҳқон бу ердаги ўз оғир меҳнати маҳсулининг ўз мулки эканини ҳис этмайди. У қилган меҳнати билан олган даромади ўртасида бевосита алоқа кўрмайди. Совет тузумидан қолган, ҳар бир киши умумхалқ мулкининг эгасидир, деган сохта ғаплар аслида пуч шиордангина иборат эди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида мулк муносабатларини ҳамда шу асосда меҳнатни ташкил этишни тубдан кўриб чиқишни тақозо қилади.

Энг муҳим масала — мулк масаласи ҳал қилинмасдан туриб меҳнатни ташкил этишнинг ҳар қандай мукаммал тизими ҳам самара бермайди, муваффақият қозонмайди. Буни барчамиз яхши англаб олишимиз даркор.

Биз бундай зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг қандай йўлларини кўрмоқдамиз? **Бу — қишлоқда пайчилик муносабатларини ривожлантиришдир.** Жаҳондаги кўпгина давлатларда, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар тажрибаси ана шу хулосани тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этиш қандайдир мавҳум назарий кўриниш эмас. Ишнинг бу шакли 26 та хўжаликда синовдан ўтказилди ҳамда ўзининг афзаллигини намоён қилди. Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Ш. Рашидов номидаги, Сурхондарё вилоятининг Н. Муродов номидаги ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Кўкдарё» жамияти 1996 йилни 22 миллиондан 33 миллион сўмгача фойда билан якунлади. Йил якунларига кўра пай эгалари ўзларига тегишли пай учун муайян миқдорда дивиденд олди.

Қашқадарё вилоятининг кўпгина хўжаликлари бу мулкчилик шаклининг устунлигини кўриб, пайчилик муносабатларига ўтиш истагини билдирдилар. Бундай хўжаликлар сони бу йил 2 тадан 17 тага етди. Яна 27 та хўжалик 1998 йилда шу йўлдан бориш ниятида.

Мулк муносабатларини вужудга келтириш бундай шаклининг моҳияти ва афзаллиги нимада? **Ер хўжалик аъзолари ўртасида тақсимланади, аммо ҳеч кимга уни сотиш-сотиб олиш ҳуқуқи берилмайди. Ер ва хўжаликнинг бошқа мулки натурал ҳолатда эмас, қиймат шаклида, яъни хўжалик активи ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади.** Ерни мулкдорлар, хўжалик аъзолари ўртасида тақсимлаш хўжаликнинг бутун жамоаси қабул қилган қарор асосида амалга оширилади. Бунда мулкни бўлиб бериш турли минтақаларда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда турлича амалга оширилиши мумкин. Муҳими, ўзбошимчалик, қариндошуруғчилик иллатларига йўл қўймасликдир.

Бу борадаги барча тадбирлар қонун ва белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилиши керак.

Хўжаликнинг ҳар бир аъзосига сертификат, яъни унга мулкнинг маълум қисмига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг ўзига тегишли қисмига эгалик ҳуқуқини берадиган юридик ҳужжат берилиши шарт.

Бу ўринда хўжаликнинг энг аввало ижтимоий ва умумхўжалик муаммоларини ҳал этиш манбаи бўлган умумий бўлинмас жамғармасини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим.

Мулк муносабатларини амалга ошириш бутун жамоа меҳнатининг пировард якунларини пайчилар ўртасида дивиденд тариқасида, жамоада тасдиқланган меъёрлар асосида тақсимлаш жараёнида юз беради.

Мулкчиликнинг бу шаклида хўжаликлар ирригация-мелиоратив тармоқларининг бутунлиги сақланиб қолади. Хўжаликларнинг мавжуд ер ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланилади. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зарар ва харажатларни камайтириш ҳамда хўжаликнинг охирги даромадини ўстиришдан манфаатдорлик ортади. Пай эгаси бўлган ходимларда хўжаликнинг соф даромадидан ажратилган дивиденд шаклидаги қўшимча рағбат ва даромад манбаи пайдо бўлади. Охир-оқибатда кишиларнинг ерга, мулкка ва ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгаради.

Меҳнатни ташкил этиш эса бир неча йил мобайнида ўзини оқлаган оилавий пудрат шаклида амалга оширилиши лозим.

Нега айнан оилавий пудрат деяпмиз?

Катта-катта майдонларда пахта ва ғалла етиштириладиган бизнинг шароитимизда меҳнатни оилавий пудрат асосида ташкил этиш қишлоқ аҳлининг шаклланган анъаналарига, қишлоқда истиқомат қилувчиларнинг воҳа кўринишидаги жойлашувига мос келади. Бу усул аҳолининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида иштирок этишининг энг самарали шакли бўлиб, у шахсий манфаатни умумоила манфаати билан уйғунлаштириш имконини яратади.

Ҳозирги пайтда хўжакўрсинга эмас, ҳақиқатан ҳам оилавий пудрат муносабатлари жорий этилган кўпгина хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли қўшимча харажатларсиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатнинг пасайиши, даромаднинг ошишини таъминлаётганлиги.

Бугунги кунда хўжаликларимизда **пудрат бошқа шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, ижарачилар ернинг вақтинча эгаси бўлган ҳолда етиштирган маҳсулоти ва ўз меҳнати натижасининг тўлақонли эгаси бўлади.** Пудрат муносабатларининг иқтисодий механизми унча мураккаб эмас. Унинг кучи ва оддий меҳнаткашлар учун жозибаси ҳам мана шунда.

Оилавий пудрат муносабатлари жамоа хўжалиги бошқаруви билан ҳар бир алоҳида оила бошлиғи ўртасида тузилган шартнома асосида юритилиши керак. Бу ҳужжат икки ҳуқуқий субъект сифатида томонлар — хўжалик бошқаруви ва оила бошлиғининг орасида барча ҳуқуқий муносабатларни акс эттириши лозим.

Шу жумладан, **шартномада кўрсатилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, унинг сифати, нархи ва олинадиган даромад мужассам бўлиши шарт.**

Демак, оилавий пудратнинг моҳияти деҳқонларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни, ҳосилдорликни кўпайтириш, маҳсулотнинг харидоргир бўлиши, харажатларни камайтиришдан манфаатдорлигини оширадиган кучли рағбатдан иборат. Шундагина сунъий тенглаштиришга барҳам бериш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган ишга нисбатан маъсулияти ошади. Бир сўз билан айтганда, оилавий ҳаётни ташкил этиш билан ишлаб чиқаришни ташкил этишни бирлаштириш фақатгина ижобий натижа бериб, кўп ҳолларда ижтимоий муаммоларни ҳал этади.

Буларнинг барчасини умумлаштирадиган бўлсак, айнан **пай ва пайчилик муносабатларининг оила пудратига асосланган меҳнатни ташкил этиш билан уйғунлашуви қишлоқда мулк муаммоларини ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир.**

Азиз дўстлар!

Ерга пайчилик асосида жамоа бўлиб эгалик қилиш билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини пудрат шаклида ташкил этишни уйғунлаштириш хўжалик корхоналарини тузиш шакли ва мақоми, тамойиллари ва механизмини бутунлай қайтадан кўриб чиқишни талаб этади. Бу қишлоқда ҳақиқий ширкатчиликни қайта барпо этишни, жамоа хўжаликларини ташкил этишда йўл қўйилаётган оғишлар ва бузилишларга барҳам беришни талаб қилади.

Бугунги жамоа хўжаликлари, афсуски, кўп ҳолларда илгариги давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари — совхозлар тажрибаси ва мафкурасини сақлаб қолган. Шу туфайли ҳам улар ўз моҳият-эътиборига кўра жамоа хўжалиги тамойилларига кўп жиҳатдан мос эмас.

Кўпгина хўжаликларда ҳисоб-китоб ишлари бузилган ва чалкаштириб юборилган. Ҳисоб-китобда тартиб ўрнатмасдан туриб бутун қишлоқ хўжалигида ҳам тартиб ўрнатиб бўлмайди.

Бу — маълум ҳақиқат.

Бироқ, энг салбий оқибат кўпгина хўжалик раҳбарлари онгида мустаҳкам ўрнашиб олган боқимандалик кайфияти — эски колхозлар ва совхозлар замонидан қолган сарқитдир. Бунинг натижаси уларок, аксарият қишлоқ хўжалиги ходимлари ўз меҳнати натижасига бефарқ қарайдиган бўлиб қолган.

Энди бир зум «колхоз», «совхоз» деган сўзларнинг, атамаларнинг маъно-мазмунини чақиб кўрайлик. Халқимиз шунчалик соддаки, моҳиятан шарқ табиатига мутлақо тўғри келмайдиган бегона сўзларга ҳам ўрганиб қолган.

Ёдингизда бўлса, ҳар бир вилоятда камида йигирмата Ленин номли колхоз, камида ўттизта Ленин номли совхоз бўларди. Бирор ўнта Карл Маркс ва Фридрих Энгельс колхозлари ва совхозлари... Крупская, Куйбишев, Калинин, Ворошилов ва бошқа большавойларнинг номлари ҳам қишлоқларимизда жуда кенг расм эди.

Ҳар кечқурун райкомнинг секретари раислар ва директорларни кабинетига тўплаб, бир кунлик «сводка»нинг сўроғини бошларди: «ҳов, сен, Ленин, тур ўрнингдан, бугун нега икки фоиз кам пахта тердинг?» «Крупская, нега бугун сутинг кам?»,«Маркс билан Энгельсни бугунок ишдан олиб ташлаш керак», «анави Ворошилов чучварани хом санаб юрибди» ва ҳоказо ва ҳоказолар.

Бугунги ёшлар ишонмаслиги мумкин, лекин биз шундай воқеаларни кўрганмиз ва эшитганмиз.

Ўзи аслида «колхоз» — «коллективное хозяйство» дегани, «совхоз» — «советское хозяйство» дегани. Иккиси ҳам — советлар замонидан қолган сарқит тушунчалар. Бундай тушунчалар бизнинг бугунги ҳаётимизга, миллий ғуруримизга тўғри келмайди.

Бугунги кунда хўжаликни маърифий дунёда қабул қилинган бутунлай янги асосларда ташкил этиш зарур. Назаримда, пайчилик асосида қайта ташкил этилган корхоналарга уларнинг мазмун — моҳиятига мос янги — **қишлоқ хўжалик ширкати** деган ном бериш маъқул бўларди. Чунки, у ширкат аъзоларини кўнгиллилик ва муайян шартлар асосида бирлаштиради.

Шу тарика биз қишлоқ хўжалигини қайта ислоҳ қилишнинг уч шаклига эга бўламиз:

Биринчиси — пай шакли бўлиб, деҳқонларнинг ерга, мулкка, бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Иккинчиси — оилавий пудрат бўлиб, у ҳар бир ходим меҳнат ҳаражатини унинг даромади билан, бинобарин, оиланинг моддий фаровонлиги билан боғлашга имкон беради, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишнинг асосий бўлиб хизмат қилади.

Учинчиси — қишлоқ хўжалиги ширкати бўлиб, у қишлоқ хўжалик корхонаси барпо этишнинг ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаатининг бутун жамоа манфаати билан уйғунлигини таъминлайдиган энг самарали ташкилий ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси унинг мустаҳкамланишидан, жамғармалар барпо этилишидан бир хил манфаатдор бўлиши лозим.

Шу жамғармалар ҳисобидан қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси шаклланади, тупроқнинг ҳосилдорлиги таъминланади, мелиоратив ишлар амалга оширилади.

Ҳурматли халқ депутатлари

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар орасида **деҳқон (фермер) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш масаласи** алоҳида эътиборга лойиқдир. Тажриба уларнинг қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишдаги энг самарали шакллардан бири эканини кўрсатмоқда.

Бироқ хўжалик ичидаги ўзаро муносабатларнинг номукаммаллиги, маҳаллий раҳбарларнинг деҳқон хўжалиги муаммоларига бефарқлиги ишга халақит бермоқда. Янги ташкил этилган кўпгина фермер хўжаликлари бозор шароитида ишлаш тажрибаси йўқлиги туфайли ўзлари дуч келган муаммоларни мустақил равишда ҳал этолмай фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Албатта, буни бозор дейдилар. Бозор шароитида кучлироқ, тажрибалироқ шахслар ютади. Бу — муаммонинг бир томони.

Бироқ, иккинчи томонда, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятининг ҳуқуқий ва меъёрий асосини мукаммаллаштиришни талаб қиладиган бошқа муаммо ҳам бор. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг қоидаларини чуқур ва танқидий баҳолаб, унга фермерларни мансабдорлар зўравонлигидан ҳимоя қиладиган, ерни 50 йил муддат билан ижрага олиш, хўжаликни узоқ давр мобайнида ривожлантиришнинг бизнес режаларини тузиш кафолатини берадиган ўзгартишлар киритиш лозим.

Мен деҳқон хўжаликлари эгалари ерни асраб-авайлаб, унга ўз вақтида ва сифатли ишлов бериб, барча агротехник талабларга риоя қилишига аминман. Чунки, бу ер уларнинг фаровонлиги ва тўкин ҳаётининг манбаидир.

Хўжалик ичидаги ўзаро муносабатлар ва деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳисоб-китоблари, тайёрловчилар, қайта ишловчилар ва сотувчи ташкилотлар билан шартнома муносабатлари тизими ҳам тубдан такомиллаштиришга муҳтож.

Фермерлар ва ердан хусусий фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни амалий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг ўрни ҳам кўзга ташланмаяпти. Уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ҳам жиддий қайта кўриб чиқиш лозим.

Яна бир муҳим муаммо.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш кейинчалик қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш қувватларини янада ўстириш билан мустаҳкам тарзда боғлиқдир.

Ички эҳтиёж жуда катта, маҳсулотни қайта ишлаш, қуритиш ва сақлашда ўз анъаналарига эга бўлган республикамизда меванинг атиги 18 фоизи, сабзавотнинг 35 фоизи, узумнинг 67 фоизигина қайта ишланаётгани бизни қониқтирмайди.

Айни пайтда консерва корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватидан атиги 40 фоиз, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватидан 26 фоиз, сут саноати қувватидан 35 фоиз, гўшт саноати қувватидан эса 25 фоизгина фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва тури рақобат шартларига ҳамда харидорлар талабига жавоб бера олмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш технологияси жуда орқада қолгани туфайли ҳар йили картошка, томат, карам, лавлаги, сабзи ҳамда бошқа сабзавот ва меваларнинг 20-40 фоизи исроф бўлмоқда.

Биз **«ишлаб чиқариш — қайта ишлаш — сотиш»** деган ягона занжирда ишлаб, бу занжирда банд бўлганларнинг манфаатини ҳисобга олишни ўрганишимиз зарур.

Жаҳон бозорини ўзлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг кўриниши билан боғлиқ. Бунда маҳсулотни навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва унинг айниқса тез бузиладиган турларини истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш назарда тутилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлашга хорижий сармояларни кенг жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, улар орқали жаҳон бозорига чиқиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ихчам технология билан жиҳозланган кичик ва ўрта корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз риоя қилишимиз лозим бўлган оддий бир ҳақиқат бор. Қишлоқда **ривожланган инфратузилмани** барпо этсаккина, қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув ва газ билан таъминлаш дастури изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги йилларда аҳолини марказлашган ҳолда ичимлик суви билан таъминлаш 55 фоиздан 64 фоизга кўпайди. Республика бўйича аҳолини газ билан таъминлаш 44,6 фоиздан 67,1 фоизга, шу жумладан, қишлоқда 19,3 фоиздан 53,6 фоизга ошди.

Бу муҳим муаммо доимо диққат марказимизда туриши шарт.

Бу ерда аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлашда яхши натижаларга эришаётган туманларнинг раҳбарларига, шу ишга бош-қош бўлган мутасаддиларга миннатдорлик билдириш, мақтов сўзларини айтиш жоиздир. Масалан, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси Қоровулбозор туманида 100 фоизни, Ангор, Зарбдор, Нишон, Мингбулоқ, Тойлоқ, Боёвут, Қўнғирот, Қибрай, Олтиариқ туманларида эса 85-95 фоизни ташкил этади. Бу, мазкур туманларда одамларнинг оғирини енгил қилиш, муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир. Табиий газ билан таъминлаш кўрсаткичларини олсак, бу иш Қоровулбозор туманида 100 фоиз, Қўнғиротда 99,4, Пахтачида 98, Сирдарё туманида 95,2, Пахтакор туманида 89,8, Ангорда 86, Навоий туманида 84,9, Бўз туманида эса 81,5 фоиз қилиб адо этилган.

Шу билан бир қаторда айрим туман ва қишлоқларда бу борадаги аҳвол чидаб бўлмайдиган даражада аянчли экани кўзга ташланади. Хусусан, ичимлик сув билан таъминлаш Навбаҳор туманида 24 фоиз, Марҳаматда 26,3, Учқудуқда 26,5, Қорақўлда 27,5, Қўшкўпирда 27,6, Томдида 28, Янгиариқда 35,3, Урганч туманида 37, Уйчида 42,5, Қўшработда эса 49,1 фоизни ташкил этади. Ёки Қашқадарё вилояти мамлакатимизни 96 фоиз табиий газ билан таъминлагани ҳолда, Чироқчи тумани бор-йўғи 9,9 фоиз газлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин? Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманларида эса бу кўрсаткич ундан ҳам паст. Пахтаобод тумани аҳолиси 17,4, Учқўрғон 18,7, Навбаҳор 27,2, Бўка 29,8, Фурқат тумани эса 44,5 фоиз газ билан таъминланган, холос.

Бу мисоллардан вилоят, туман ҳокимлари, мазкур ишга бевосита мутасадди раҳбарлар тегишли хулоса чиқаришлари, ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, зарур чора-тадбирларни кўришлари даркор.

Кейинги йилларда қишлоқнинг ижтимоий қиёфаси ўзгарди. Кўпгина турар-жой бинолари қурилди, умумтаълим мактаблари, қишлоқ тиббиёт пунктлари барпо этилмоқда. Биз бундан кейин ҳам қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, қишлоқ аҳолисини турмуш шароити бўйича шаҳар аҳолисидан қолишмайдиган даражага етказишга ҳаракат қилишимиз лозим. Қишлоқни янгилаш бўйича ижтимоий дастурларни амалга ошириш барча даражадаги ижроия органларининг асосий вазифаси бўлибгина қолмай, депутатларимизнинг ҳам доимий диққат марказида бўладиган фаолият соҳасига айланиши лозим.

Азиз дўстларим, ватандошларим

Олдимизда қийин ва машаққатли иш турибди. Эски қолипларни бузиш, қишлоқ хўжалигини замонавий, юксак самара берадиган соҳага айлантириш, деҳқонлар ҳаётини эса бахтли ва фаровон қилиш учун жуда кўп ишлаш талаб этилади.

Мустақил ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили жамиятимиз, давлатимизнинг куч-қудратини ошириш, янги имкониятларини очиш билан бирга, диёримизда яшаётган ҳар бир инсоннинг дунёқараши ва иймон-эътиқодини юксалтиришга асос бўлмоқда.

Бу биз учун энг катта куч, энг катта салоҳиятдир. Иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун, ўзининг кучи ва эртанги кунига ишонган одамлар билан ҳар қандай оғир муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги шубҳасиздир.

Муқаддас каломларда **«Сендан ҳаракат — мендан баракат»** дейилади.

Иншооллоҳ, оила йили, деб эълон қилинган 1998 йилда биз бир ёқадан бош чиқариб, меҳр-оқибатли бўлиб, юртимизни янада обод қилиш учун ўзимизни аямасдан ишласак, Олло таоло биздан ўз барокотини аямайди, деб тилак билдиришга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга янги йил арафасида тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайман.

Бизни жаҳон тан олмоқда

ОЛИМГА «БОИНГ» БУЮРТМА БЕРДИ

Авиацияда «Флаттер ҳолати» деган тушунча бор. Ердагилар учун у оддийгина сўз бирикмасидир, аммо осмонда учувчилар учун даҳшатли фалокатдан дарак беради. У ҳамиша рўй бераверма йди. Самолётлар, умуман учиш аппаратларининг тезлиги номаълум бир нуқтага етгандагина ана шу ҳолат рўй беради, яъни, самолёт ўз-ўзидан титраб, қалтираб, парчаланиб ёки портлаб кетади.

Бу муаммо устида жаҳондаги юзлаб илмий-тадқиқот муассасалари, конструктор ва олимлар тинимсиз бош қотираяптилар. Лекин ҳозирча аниқ бир ечим топилгани йўқ. Осмоний хавф-хатар сақланиб турибди. Шу боисдан жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялар, жумладан дунёнинг барча бурчагида танилган «Боинг» авиакомпанияси ҳам «Флаттер ҳолати» сабабларини чуқур ўрганиш, фалокатни даф этиш йўлларини излаётир. Бунинг учун эса энг кучли олимлар бу ишга жалб этилаётир ва катта-катта маблағлар сарфланмоқда.

Ана шу мураккаб муаммони ҳал этишга мустақил мамлакатимиз олимлари ҳам жалб этилгани қувончлидир. Айни пайтда Тошкент давлат авиация институтининг кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Фахриддин Бадалов раҳбарлигида бир гуруҳ олимларимиз «Боинг» авиакомпаниясининг буюртмаси асосида тадқиқот ишларини бажаришаяпти.

Жаҳондаги машҳур компания юртимиз олимларига мурожаат этиши бежиз эмас. Бу аввало ватанимиз илм-фанининг дунёда тан олинаётганидан, буюк алломалар етишиб чиққан табаррук заминда ҳозир ҳам салоҳиятли фан намоёндалари борлигидан далолатдир. Шуниси диққатга сазоворки, бутун дунё олимлари эътиборини қаратган муаммо ечимига бизнинг олимларимиз анча эрта киришгандилар. Чунончи, профессор Фахриддин Бадалов илмий изланишларининг бирида ўзидан кейин из қолдириб деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикасининг назарий муаммоларини ечишга эришди. Бунда у ночизиқли қайишқоқ эгилувчанлик назариясининг айрим чегаравий, шунингдек бошлангич чегаравий масалаларининг бир қийматли ечилишини исботлади ва мазкур назариянинг динамик масалалари учун биринчи марта аниқ ечим олди ва улар асосида бир қатор муҳим янги механик эффектлар аниқланди. Зеро, юқорида айтиб ўтилган «Флаттер ҳолати» сирини билишда бу тадқиқотлар ғоят асқотади. Мана шунинг учун ҳам «Боинг» авиакомпанияси олимимизга катта ишонч билдириб, буюртма берди.

Талантли олим Фахриддин Бадалов қарийб қирқ йилдирки ватанимиз фани равнақига сидқидил хизмат кўрсатаяпти. У 29 ёшидаёқ номзодлик диссертациясини ёқлаб, орадан тўрт йил ўтгач, «Тўташ муҳитлар механикасини алгоритмлаш» мавзусидаги илмий тадқиқотлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Ҳозиргача унинг 200 дан ортиқ илмий мақолалари хориж ва ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилди. Тўрт монографияси эса республикамиз нашриётлари томонидан ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. Мазкур рисолалар кенг илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Машҳур достончи шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли яшаб, ижод этган Қўшработ туманидаги Жўш қишлоғида таваллуд топиб, ўзининг илмий салоҳияти билан юртимизда обрў-эътибор топган олимимиз бугунги кунда олтмиш ёшни қаршилаяпти. Зеро бу ёш ақлу-заковатга тўлиш ёшидир.

Мен олтмиш ёшга кираётган кишиларни кўрганимда, ушбу ривоят ёдимга тушаверади: «Қадимда бир доно кишининг ёши олтмишга яқинлашибди. Шунда у негадир ғамгин, камгап бўлиб қолибди. Дўстлари бундан хавотирланиб сўрашибди: «Сенга нима бўлди? Бетоб эмасмисан? Дардингини айт», дейишибди, «Э, дўстларим, — дебди шунда у. — Соппа-соғман. Мана, ҳадемай олтмишга кираман. Шунда одамлар мендан ақл сўраб, маслаҳат сўраб келабошлашади. Хўш, уларга нима дейман, тузукроқ маслаҳат бера оламанми?. Шу ҳаёл менга тинчлик бермаяпти», деган экан.

Ишончим комилки, ҳурматли олимимизда бундай хавотир, безовталик йўқ. Ҳозир унинг илмий салоҳияти жўш урган пайт, шу кезгача минглаб талабаларга, шогирдларга сабоқ берган бўлса, энди «Боинг»ларга ҳам ақл ўргатишга қодирдир.

Бобо САРОЙИ.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

TOSKENT SUT

"ТОШКЕНТСУТ"

ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

"Тетра Пак" технологияси асосида тайёрланаётган 1 литрли идишларга қадоқланган сутни, шоколадли, қулупнайли ва бананли сут маҳсулотларини, шунингдек 0,2 литрли идишларга қадоқланган олма, апельсин, мандарин ҳамда шафтоли шарбатларини сотади.

Сут ва сут маҳсулотларининг сақланиш муддати — 4 ой
Шарбат маҳсулотларининг сақланиш муддати — 1 йил.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 26-даха. "ТОШКЕНТСУТ"

Телефонлар: (3712) 72-05-80, 72-02-81.

UZMAL OIL

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ

"ЎЗМАЛОЙЛ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Бутун республика аҳолисини кириб келаётган

Янги — 1998 йил билан қизғин қутлайди!

Шуниси қувонарлики, Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ муқаддас Ийди Рамазон ойи бошланади. Бу камдан-кам бўладиган ҳодиса. Зеро йилимиз ана шундай қутлуғ ой билан бошланса, Иншоолло мусулмон мамлакатларига, жумладан Ўзбекистонга нури-иймон, барака ёғилади.

Қутлуғ байрамлар арафасида ўзбек халқини қутлар эканмиз, Оила йилида ҳар бир хонадонга қут-барака, тинчлик, осойишталик тилаймиз!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

ОСИЁ-ВЕСТ

OTO WEST

ЎЗБЕКИСТОН - ГЕРМАНИЯ - ИСРОИЛ

"ОСИЁ-ВЕСТ"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Бутун ўзбек халқини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан қизғин муборакбод этади!

Кириб келаётган Янги, 1998-йил серқуёш ўлкадаги ҳар бир оилага битмас-туганмас бахт ва омад келтирсин!

Ўзбек халқини байрам билан табриклар эканмиз, бу муқаддас юртдан қут-барака, фаровонлик ва тотувлик аримаслигини тилаб қоламиз!

Янги йилда ҳар бир хонадон аъзосига сиҳат-саломатлик тилаймиз!

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси

"ҲАМИДУЛЛО"

хиссадорлик жамияти жамоаси

Барча ватандошларимизни кириб келаётган янги— 1998 йил билан табриклаш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз!

Ишончимиз комилки, янги — 1998 йил мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк ва ёркин келажак йўлидан олға босишида ниҳоясига етаётган йилимиздан кўра ҳам баракали бўлади.

Бу йўлда жамоамиз мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, қурилиш дастурларига ҳамоҳанг иш олиб боради.

Ишонтирамизки, «Ҳамидулло» ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан бу қутлуғ юмушга ўз муносиб улушини қўшади.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши ва халқимиз фаровонлиги янада ошишини чин дилдан тилаймиз.

Янги йил ҳар бир оилага бахт ва қувонч, муваффақият ва фаровонлик келтирсин!

«Тошкентуйжойқурилиш» корпорацияси,

«Ҳамидулло» хиссадорлик жамияти.

ФАЙЛАСУФ, МУНАҚҚИД, МОҲИР ЖУРНАЛИСТ

Эҳтиром

Иброҳим Ғафуров деганда теран ўйлайдиган мунаққид, ўз ишига фидоий журналист, жамоат арбоби кўз олдимизга келади.

Ҳар бир истеъдодли ёзувчининг фақат ўзига хос услуб, фикрни ифода қилиш йўллари бўлади, ҳар бир истеъдодли мунаққиднинг ҳам ўз услуби ва тафаккур тарзи бор. Иброҳим Ғафуровнинг мақола ва китобларини кўздан кечирар экансиз, бу фикрнинг қай даражада тўғри эканлигини англаб олиш қийин эмас.

Қирқ йилдирки, Иброҳим Ғафуров адабиётчи сифатида қалам тебратади. Мен уни университетда талабалик даврларидан бошлаб биламан ва ижоди билан яқиндан танишман. Ўша чоғлардаёқ Иброҳим ўзининг илмга, ижодга чанқоқлиги, синчковлиги билан ажралиб турар эди, енгил-елпи ишлар билан шуғулланавермас, вақтини бекорчи машғулотларга сарф қилавермасди. Кўпроқ бадиий ижод сирларини англаш учун ҳаракат қилар эди. Унинг ўзига хос табассум билан лекция эшитишлари ҳанузгача эсимда. Ўзини сипо тутиши билан ҳам у тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Ўша пайтлардаёқ илмга қизиқиб, таржима ишлари билан шуғулланди.

Саид Аҳмаднинг насрий асарлари хусусида диплом иши ёзиб, аъло баҳога ҳимоя қилди. Қарангки, кўп ўтмасдан бу диплом иши мақолалалар билан китоб шаклида эълон қилинди. Бу талабалар ҳаётида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Университетни тамом қилгач, шу бугунгача Иброҳим Ғафуров адабий жараённинг фаол иштирокчиси. У узоқ йиллар давомида нашриётда ишлаб, китоб чиқариб, таҳрир ва нашр ишлари билан банд бўлди. Анча йиллар давомида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ижодий раҳбарларидан бири бўлиб, бу газетанинг халқ орасида эътиборли нашрлардан бирига айланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Бу даврда, Иброҳим Ғафуров қанчадан-қанча истеъдодларни кашф этган, кўплаб яхши асарларга йўл очиб берган. У адабиётимизнинг анашундай заҳматкашларидан биридир.

Мунаққид сифатида Иброҳимнинг ижод кўлами кенг. Унинг Усмон Носир, Шайхзода ва бошқа сўз санъаткорлари ҳақидаги китобларини бир эслайлик. Бу китобларда адабиётшунос бадииятни таҳлил қилишдаги ўз маҳоратини кўрсатди. Жуда кўплаб ўзбек ва жаҳон адиблари ҳақида мақолалар эълон қилиб, уларнинг ёзувчилик ва шоирлик маҳоратини очиб берди. Кейинчалик шеърият хусусида йирик «Шеър изланиш демакдир» деган тадқиқот эълон қилди. Мазкур асарларида ва қатор мақолаларида ўзининг тенгдошлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимовларнинг асарларини қунт билан, муҳаббат билан таҳлилга тортади. Иброҳим ҳеч вақт санаб ўтиш, мазмунни қайд қилиш, воқеаларни кўчириш билан банд бўлмайди. У бадиий асарларнинг мазмуний негизига, шаклий ифодасига чуқур назар ташлайди. Одатда истеъдодли ёзувчи кўнглига келган ҳамма гапни ҳам қоғозга туширавермайди. Сўзлар, ибора ва жумлалар негизида олам-олам маънолар яширинган бўлади. Иброҳим Ғафуров ана шу маъноларни излайди. Уларни бехато топади, ғузал таърифлайди. Шу йўсинда у асар маъносини чуқурлаштиради, кенгайтиради. Бу билан китобхон дидини тарбиялашга катта ҳисса қўшади. Шу жиҳатлари билан у ўзбек адабиётшунослигида ҳассос мунаққидлардан биридир.

Иброҳим Ғафуровнинг ижодига тегишли яна бир қирра бор. Бу — таржимонликдир. Шундай қараганда таржимонлик осон ишдек кўринади. Бироқ бу ишнинг ўзига яраша мураккаблиги ва машаққатлари бор. Аввало кимни ва нимани таржима қилишни билиш керак. Бунинг учун таржимонда юксак дид бўлиши лозим. Иброҳим теран эстетик дид соҳибидир. У таржима учун бадиий саёз асарларни қўлга олмайди. Таржимон учун қийин ва мураккаб ҳисобланган, бироқ бадиий жиҳатдан жаҳон адабиётида аниқ ўрни бор асарларни танлайди. Шу дид билан у Достоевский, Чингиз Айтматов, Мопассан, Солженицинларнинг машҳур асарларини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига ҳадя қилди. Хусусан, Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» асарини таржима қилишда у ўзининг таржимонлик маҳоратини намойиш этди, Қисқаси, у ўзбек адабиётида ўзига хос таржимонлик мактабини яратган ижодкорлардан биридир.

Кейинги йилларда Иброҳим Ғафуровнинг фаолиятида янги бир қирра очилди. У Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг раҳбари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати бўлиб, жамоат арбоби сифатида халққа танилди. Бу ишларнинг ҳам масъулияти озмунча эмас. Шу кунгача орттирган илмий-ижодий, ҳаёт тажрибаларигина унга мададкор!

Иброҳим Ғафуров бугун олтмишга кирди. Бу ёшда олим ва ижодкор олдида янги-янги уфқлар очилади. Ўз ишига муносабатда масъулият ҳисси яна ҳам ошади. Сезилиб турибдики, унинг олдида турган вазифалар катта, режалар чексиз. Бу ишларни амалга оширишда унга муваффақиятлар тилаймиз!

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси.

ПРЕЗИДЕНТ «БМВ» ЮТДИ

Лотерея ютуғи нафақат оддий одамларга, балки давлат раҳбарларига ҳам чиқиб турар экан. Кипр Президенти Глафкос Клиридис ишхонасидаги эски қоғозларни кўздан кечираётиб, ярим йил муқаддам сотиб олган лотерея чиптасини топиб олди. Давлат юмушлари билан банд бўлган Президент чиптани текшириб кўришни котибасига топширди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Президент баҳоси 48 минг АҚШ долларига тенг янги БМВ автомобили ютуғининг соҳиби бўлди.

Бу лотерея ўйини мамлакат журналистлар уюшмаси томонидан инсонпарварлик тадбири мақсадида ўтказилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН хаво йўллари

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Сизларни кириб келаётган Янги 1998 йил билан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва бахт-саодат тилаймиз!

Сизларни замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган тайёрагоҳларимизда кўришдан, узоғингизни яқин қилиб, кўнгилдагидек хизмат кўрсатишдан беҳад мамнунмиз.

Яқинлашаётган 1998 йилда ҳам биз янги ҳаво йўлларини очишни, авиакомпаниямиз ҳаво кемалари ва аэровокзалларида хизмат кўрсатиш сифатини янада оширамиз. Аэропортларни ва биринчи навбатда мамлакатимизнинг асосий ҳаво дарвозаси-пойтахт «Тошкент» аэропортини таъмирлаш бўйича ишлари давом эттирилади.

Ўтаётган йилда Миллий авиакомпания Авиация хавфсизлиги халқаро фондининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги юксак хизматлари учун» махсус дипломи билан тақдирланди. Биз бундан буён ҳам хавфсизлик масалаларига жиддий эътиборни қаратамиз ва авиакомпаниямизнинг жаҳондаги энг хавфсиз авиакомпаниялардан бири сифатидаги нуфузини сақлаш йўлида бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Шонли Ватанимиз, мустақил Ўзбекистон — тинчлик, эзгулик ва дўстлик мамлакатидир! Биз бутун жаҳон бўйлаб жонажон диёримизнинг саховатли ҳарорати нафасини элтаётганлигимиздан жуда фахрланамиз.



Янги йил билан! Янги бахт-саодат билан! Тинчлик ва фаровонлик тилаймиз! Юртимиз осойишта ва гуллаб яшнайверсин! Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин! Биз Сизлар билан, биз Сизлар учун!

Жаҳонни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан кашф этинг!

Ташкентский филиал АО УзАСК «ЙУЛОВЧИ»

Поздравляет всех коллег, партнеров, жителей и гостей нашей республики с наступающим 1998 годом! Желает счастья и благополучия каждой семье.

Автозапчасти. Автошины.
Асботкань — АТ-1; АТ-3.
Сальниковая набивка АПР.

Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел.: (3712) 54-93-07, 54-78-19.
Факс: (3712) 54-76-31.



«Ўзметаллсавдо»
ҳиссадорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси халқини кириб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ

билан самимий табриклайди.
Юртбошимиз ташаббуси билан

ОИЛА ЙИЛИ

деб эълон қилинган 1998 йилда халқимизга доимо тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир хонадонида тотувлик бўлсин.
Ниятимиз ҳар биримизни яхши тўйларга етказсин, фарзандларимиз бахтли бўлиб, қўша қарисинлар.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

«ФЁРОСТ ФАРМАСЬЮТИКАЛ ЛИМИТЕД» ШЎБА КОРХОНАСИ

Сизларга доимо сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик ва файзу-барака тилаймиз!

Тошкент, Бобур кўчаси, 13-уй. Офис 29.
Тел: (3712) 55-72-48. Факс: (3712) 55-07-98.

Янги 1998 йил билан самимий қутлаймиз!

«ОСИЁ – ВОЛГА»
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини

СОТАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 16 а уй, 221-хона
Тел\факс: (3712)
41-52-41, 41-58-51.



ҚУМ ОСТИДА ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Марокаш қадимшунослари хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорликда мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида қум қатлами остидан қадимий шаҳар изларини топишди. Қазиш ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, топилма 15 километрга чўзилган шаҳар деворлари ва ҳарбий истеҳкомдан иборат экан.

Олимлар ушбу тарихий ёдгорлик орқали Сахарада яшаган дастлабки одамлар кўчманчи ёки утроқ бўлиб яшаганми, деган саволга жавоб топиши мумкин.

ҚУЁШДАН КАТТА ЮЛДУЗ

Чили ва Австралия астрономлари Жанубий Дорада юлдузлар туркумига кирувчи коинотдаги энг йирик юлдузни кашф этди. Аниқланишича, мазкур юлдуз қуёшдан 400 баробар катта экан. Олимлар янги юлдузга «Р-Дорадус», деб ном қўйишди. Р-Дорадуснинг ўзига хос томони шундаки, унинг сиртидан газ ажралиб чиқиб, сайёра шаклида туман ҳосил қилади ва янги юлдузларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Аён ва баён

ЎҒЛОНГА АРТУРУ ТАЙСОН ҲАВАС



Бугун минглаб бокс мухлислари учун ўзига хос байрам. Пойтахтимизнинг «Санъат саройида» профессионал боксчилар ўртасида қизиқарли учрашув ўтказилади. Паносиё чемпиони номи учун умидли боксчимиз Фарҳод Асрлонов билан қозоғистонлик Канат Сехимбоев рингга кўтариладилар. Шу муносабат билан республика ижтимоий таъминот вазири — Ўзбекистон профессионал бокс федерациясининг президенти Баҳодир УМРЗОҚОВ ўз мулоҳазаларини баён этди.

— Спорт, айниқса унинг оммавий турлари миллатни жаҳонга танилишида, ватан довруғини ёйилишида муҳим омил саналади. Истиқлол йилларида мустақил юртимиз номи чет элларда тилга олинаётгани, қоларверса, юртдошларимизни жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлида саъй-ҳаракат қилишларида ҳам спортнинг ўзига хос ўрни бор, деб ҳикоя қилади бокс федерациясининг президенти. — Истиқлолдан истиқболга собит қадам ташлаётган эканмиз, бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний тарбия ва спортда ҳам ўзига хос ислоҳотларнинг юз бериши табиий эди. Шу боисдан ҳам халқ севган ўйин — футболдан кейин боксда ҳам профессионал йўлни танлаш хосиятли кечади, деган умиддамиз.

Сир эмас, ўн йиллар илгари ҳар қандай машҳур спортчи воягa етгач, уларнинг ота-оналари: «Тўп тепишу велосипедни йиғиштир. Турмуш ҳақида, касб-ҳунар ҳақида ўйлаш керак», деб дашном беришга ўтардилар. Қарабсизки, ўнлаб спорт юлдузларимиз аросатда қолардилар. Мана энди бу масалага бошқача ёндошилмоқда. Спорт, айни пайтда бокс ҳар бир ўғлоннинг касбига айланиши мумкин. Қизиги шундаки, бундай йигит ўзи севган спорт турига астойдил меҳр қўйиб, машқларга қанчалик зўр берса, омади келиб, келажакда довруқли, эл назарига тушган спортчилардан бирига айланиши, муҳими моддий жиҳатдан таъминланиши турган гап. Шунинг учун ҳам бокс деганда, аввало оммавийлик, кейин ҳайрат ҳамда даромад кўзда тутилади.

Юртимизда профессионал боксни ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар ташланмоқда. Ютуқларимиз чакки эмас. Ҳозир федерациямиз Осиё ва халқаро бокс федерацияларининг аъзоси ҳисобланади. Бизга исталган мамлакат ва хоҳлаган шаҳарда йирик халқаро мусобақаларни уюштириш ҳуқуқи берилган. Ҳозирча, икки йил аввл «Алпомиш» спорт саройида дастлабки учрашувларни уюштирган бўлсак, бултур баҳорда Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонда ўтказилган қатор тижорат баҳсларида иштирок этишга тўғри келди. Шу йил августда Тошкентда ўтказилган профессионал боксчилар учрашуви кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мухлислар Ҳикматилла Аҳмедов, Фарҳод Арслонов, Рихсибой Шомирзаев сингари зарби зўр йигитларнинг чиқишларидан завқландилар.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, федерациямизнинг биринчи рақамли клуби ташкил этилди. «Анатоль-ринг» деб номланган бу клубда 11 нафар боксчи маҳорат оширмоқда. Бу ҳали бошланиши. Энди бокс яхши ривожланган Самарқанд, Андижон каби шаҳарларда ҳам ана шундай клубларни очиш ниятидамиз. Албатта, профессионал бокс хўжалигини юритиш, йигитларнинг кийимкечак билан таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу борадаги дастурларимизни рўёбга чиқаришимизда республика ёшлар «Камолот» жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси хайрихоҳлик қилишмоқда. Янги клубимизнинг тақдимномасида иштирок этган машҳур боксчи Артур Григорьяннинг отаси йиғилганлар олдида ўз қувончини баён этди: «Клубнинг ташкил этилгани, федерациянинг халқаро мақом олгани билан қутлайман. Юртимизда Артурлар сафи кенгайяверсин».

Спортнинг, хусусан боксниг бирдан-бир фазилати одамларни, хусусан ёшларни соғлом камоли ҳақида қайғуришдир. Уларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, безорилик каби иллатлардан фориғ этишдан иборат.

Ташкент-1997

Ҳамма соҳада бўлганидек, биз ҳам хомийлик мададига муҳтожмиз. Шу боисдан дастлабки бокс клубимизни қўллаб-қувватлашга рози бўлган «Тошкентвино» комбинати жамоасига миннатдорчилик билдиргим келади.

Шундай қилиб, бугун «Санъат саройи»да ўрнатилган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган рингга Фарҳод билан Канатнинг кўтарилишини мухлислар сабрсизлик билан кутмоқдалар. Фарҳод Осиё чемпиони номини олишга даъвогар. Канат эса бундай унвонга эга бўлган. Зеро, боксчимиз ғалаба қозонса, Осиёнинг 12 нафар энг кучли боксчилари сафидан ўрин олиб, мақомини мустаҳкамлайди. Муҳими у жаҳон чемпиони номига даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Кўп раундли олишувни қизғин ва муросасиз баҳсга айланиши кутилмоқда. Мухлислар биргина учрашувни кўриб-гина қолмайдилар. Яна кучли боксчилар иштирокида ҳам кўргазмали чиқишлар, кўнгилочар томошалар ташкил этилади. Бир сўз билан айтганда, учрашувни ўзига хос бокс байрамига айланиши кутилмоқда.

Баённи Ҳайдар НОСИРОВ ёзиб олди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи М. МАНСУР.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Дилда сен». Лирик тароналар.
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 «Ўзбектелефильм». намо-йиш этади: «Тоғлар чорлайди».
9.30 «Цирк! Цирк! Цирк!»
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.35 «Кино янгиликлари».
10.50 «Ёвойи оқ қушлар». Бадиий фильм.
12.15 «Оламни асранг».
12.35 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
12.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». 1-қисм.
13.40 «Газалхон ёшлигим».
14.05 — 14.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олам ва одам».
18.30 «Билимдонлар баҳси» клуби.
18.50 «Истеъдод». Зарифбой Азизов.
19.10 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 24.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сарҳисоб». Иқтисодий йил якунларига доир.
21.20 «Муҳаммадун Расулуллоҳ». «Уч фаслни ёд этиб...».
22.10 «Бастакор илҳоми».
22.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. Ярим финал.
23.30 «Саҳна ҳаёти».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Қундалик».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Табиат дунёси». Сериал.
19.00 «Соғинч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бешинчи улчов».
21.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.10 «Қундалик».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Ретро-фильм. «Карнавал кечаси». Бадиий фильм.
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20—21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Замонавий дизайн».
22.55 «Қайсар қизнинг қўйлиши». Бадиий фильм.
00.15—00.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Дидар».
19.35 «Ракурс».
20.05 «Ғазаллик ва мангулик».
20.25 «Мутахассис».
20.45 «Табор қўкка интилади». Бадиий фильм.
22.20 «Спорт-тайм».
22.50—23.00 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Болалар учун. «Тоғлар тоғалоқ, қайфияти чоғ».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Муҳаммадун Расулуллоҳ». «Уч фаслни ёд этиб...»
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Қутлов».
11.10 «Табассум кўчаларида». Ҳажвий кўрсатув.
12.00 «Айтишув».
12.35 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
13.05—14.00 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 1-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.50 1997 йил қушиқлари.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.30, 23.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Йилнинг энг яхши спорт-чилари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Рамазон нури».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 1-қисм.
22.35 «Оталар чойхонаси».
23.25 «Ўзбекистон ва жаҳон».
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Нозик муъжиза».
18.45 «Палитра».
19.10 «Услуб».
19.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Ҳудуд».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тошкент гуллари».
21.25 «Болливудга нигоҳ».
21.50 «Спорт қитъаси».
22.20 «Кино, кино, кино».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Кинонигоҳ».
00.35—00.40 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00
* * *
18.20—21.35
*
21.35 «Нима учун қиш бўлади?» Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.05—22.35
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Бахтли бўлинг!». Янги йилга бағишланган мусиқий дастур.
23.20 «Коинот маликаси-97». (Ғўзаллик танлови).
00.10—00.30 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.15 «Уйингох».
20.45 «Мусиқий дақиқалар».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Омад кулиб боққанда». Бадиий фильм.
22.25 «Дурдаршан».
22.55 «Хит-коллекция».
23.15—23.25 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 31

I
4.55 Муборак Рамазон туҳфаси. «Ниятҳайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Лирик тароналар.
8.50 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 1-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Нима учун?».
10.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати. Финал.
11.20 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
11.50 «Ўхшаш чеҳралар».
12.30 Спорт. Йил якунлари.
12.50 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 2-қисм.
14.05 Болалар учун. «Календарнинг сўнгги варағи».
14.35—15.15 Республика бадиий жамоаларининг концерти.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ён, ён арчажон!».
18.35 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.40 «Омад гилдираги». Телевизион ўйин.
19.25, 21.10, 22.00, 23.45 — Эълонлар.
19.30 «Йилнома» (рус тилида).
20.00 «Васият». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Йилнома».
21.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 2-қисм.
22.05 «Ҳамма кўриши шарт эмас...».
23.05 «Янги йил базми».
23.50 Янги йил табриги.
00.05 «Янги йил базми».
01.35 «Туташ манзиллар».
01.50 Телевизион миниатюралар театри. «Янги йил оқшомида».
02.40—03.40 «Эстрада калейдоскопи».
II
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Даракчи».
17.40 Муборак Рамазон. «Одобнома».
18.00 «Катта танаффус ёхуд Қорбобо саргузаштлари».
19.10 «Эзгу тилаклар».
19.15 Кўрсатувлар анонси.
19.25, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Йилнома» (рус тилида).
20.00 «Эзгу тилаклар».
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.20 «Эзгу тилаклар».
20.30 «Йилнома».
21.10 «Эзгу тилаклар».
21.15 «Мутойиба».
21.35 «Мусиқий камалак».
22.00 «Қундалик».
22.10 «Шаҳризода эртаги ёки «Қунгил қунгилга пайванд». Янги йил оқшоми.
23.00 «АРТ-клуб». Мусиқа салтанати меҳмонлари.
23.50 Янги йил табриги.
24.00 «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!».
00.05 «Хонадонингизда тинчлик бўлсин».
00.55 «Эзгу тилаклар».
01.00 «Шарқ дурдоналари».
01.30 «Толенома».
01.45 Чет эл эстрадаси.
02.15 Бадиий фильм.
03.30 «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!».
III
17.15 Янгиликлар.
17.20 «Шаҳзода ва оқ қушлар». Мультфильм. (Япония).
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00
* * *
18.20—02.25
*
02.25 Эълонлар.
02.30—02.35 «Янги йил билан!» Клип.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ассалом, янги йил!» Мультқарусель.
19.00, 22.55 Эълонлар.
19.05 «Нишона».
19.20 «Чинор».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 Байрам табриклари.
20.15 Муборак рўза ойи.
20.25 «Ишингиз бароридан келсин».
20.45 «Жаҳон».
21.00 Байрам табриклари.
21.05 «Азизим».
21.30 «Ассалом, келажак».
21.45 «Меҳр-муҳаббат билан».
22.05 «Биргаликда куйлайлик».
22.50 Байрам табриклари.
23.00 «Байрам оғушида».
23.50 Янги йил табриги.
24.00 «Байрам оғушида».
00.40 «Театр ижодхонасида».
01.30 «Янги йилингиз муборак». Мусиқий дастур.
02.00 «Мимино». Бадиий фильм.
03.30—03.40 «Хайрли тонг!»

ПАЙШАНБА, 1

I
4.45 Муборак Рамазон туҳфаси. «Ботмаган қўёш». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.40 «Йилнома».
*
8.40 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 2-қисм.
10.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.25 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
10.55 «Дўрмон ҳангомалари». «Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.30 «Хобби».
12.00 «Идрок».
12.20 «Эртакка ишонинг».
12.50 Болалар учун. «Янги йилим — яхши йилим».
13.20 «Ғаройиб парвоз». Янги йил арафасидаги саргузаштли видеофильм. 3-қисм.
14.35 «Ҳаёт рисоласи».
15.15 «Муҳаббат ҳақида миш-мишлар». Бадиий фильм.
16.55 «Ҳамма кўриши шарт эмас...».
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультконцерт.
18.15 «Президент арчаси».
18.45 1998 йил — Оила йили. «Оиламиз оҳанглари».
19.05 «Туташ манзиллар».
19.25, 20.25, 20.55, 22.20, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 3-қисм.
22.25 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
22.50 «Кулги кечаси».
23.25 «Сомон йўли». Маърифий байрам кўрсатуви.
00.25 «Ахборот».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Катта танаффус ёки Қорбобо саргузаштлари».
10.10 «Билиб қўйган яхши».
10.25 «Мутойиба».
10.45 «Мусиқий камалак».
11.10 «Шаҳризода эртаги ёки «Қунгил қунгилга пайванд». Янги йил оқшоми.
12.00 «АРТ-клуб», Мусиқа салтанати меҳмонлари.
12.50 «Хонадонгизда тинчлик бўлсин».
13.40 «Шарқ дурдоналари».
14.10 «Толенома».
14.25 Чет эл эстрадаси.
14.55 Бадиий фильм.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.15 Муборак Рамазон. «Одобнома».
18.25 Янги йил эртаклари.
18.50 «Ханда дўкони».
19.10 «Қатрада қўёш».
19.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Дубляжчилар даврасида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Гап йўқ...».
22.30 Кино жавонидан.
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий журнал.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10—23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45—00.05 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши. Люфтганза қанотларида. «Европада янги йил».
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 23.25 Эълонлар.
19.10 Болажонлар табриги.
19.15 «Ягона осмон остида».
19.35 Янги йил табриклари.
19.40 «Ҳамшаҳарлар».
20.00 Янги йил табриклари.
20.05 Болажонлар учун янги йил совғалари.
20.35 «Луфтганза қанотларида».
20.40 «Минг бир маслаҳат».
20.55 Болажонлар табриги.
21.00 Бадиий фильм.
22.30 Янги йил табриги.
22.35 «Каталог-шоу».
23.30 «Луфтганза қанотларида».
23.35 «Эллада».
23.50 «Люфтганза қанотларида».
23.55 «Интерспорт».
00.10 Янги йил табриклари.
00.15 «Дурдаршан».
00.30 Бадиий фильм.
02.00 «Мусиқий фейерверк».
02.20 Янги йил табриги.
02.25—02.35 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 2

I
4.55 Муборак Рамазон туҳфаси. «Туташ йўллар». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳазрати Усмон қуръони».
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 3-қисм.
10.00 Немис тили.
10.30 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
10.55 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
11.25 «Эзгуликка йўғрилган умр».
11.45 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири».
13.00—13.35 «Ажаб саодат эрур».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Шеър ва шуур».
18.40 «Ҳидоят сари».
19.00 Ака-ука Саидовлар куйлайди.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Донишнома».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 4-қисм.
22.25 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.45 «Қизиқчи-97».
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.10 Муборак Рамазон. «Одобнома».
9.20 Янги йил эртаклари.
9.45 «Ханда дўкони».
10.05 «Қатрада қўёш».
10.15 «Дубляжчилар даврасида».
10.45 «Иймон».
11.05 Кино жавонидан.
12.35—13.35 «Гап йўқ...».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Қундалик».
18.15 Муборак Рамазон. «Одобнома».
18.25 «Бугуннинг боласи».
18.45 Дилнавоз садолар.
18.50 «Яхши дам олинг».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Олис ва яқин Ҳиндистон». Янги йил туҳфаси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 «Мусиқа ва рақс».
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.25 «Бокс, бокс, бокс».
22.55 «Қундалик».
23.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 «Кинонигоҳ».
00.55—01.00 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.20 «Қорқиз», «Қорбоболар», «Янги йил кечаси». Мульт-фильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.50—21.30
*
21.30 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Рам ва Лакхан». Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 1-серия.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.20 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.55 «Умид чечаклари».
20.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Таниш ва номаълум».
20.50 «Араб эстрадаси».
21.25 «Ёлғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
22.55 «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин». Дам олиш дастури.
23.15 «Инспектор Фрост». Телесериал.
00.05—00.15 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 3

I
4.45 Муборак Рамазон туҳфаси. «Азиз Маҳмуд йўли». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 4-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.10 «Ёшлар ва оила».
10.30 «Ҳангома».
10.45 «Маҳорат».
11.05 Болалар учун. «Хуш келибсан, Янги йил!».
11.35 «Шохруҳ» клуби.
11.55 «Ёзувчи ва замон». 1997 йил адабиёти.
12.25 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
12.55 «Туркий уруғлар». Қорлуқ.
13.10—14.35 «Алвон елканлар». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 Мумтоз наволар.
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.20 «Рамазон нури».
21.40 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 5-қисм.
22.30 «Ҳамоҳанг қалблар».
23.00 «Келин-куёв». Телешоу.
«Тунгу ёгду». Дам олиш дастури.
23.50 «Кўй ва тасвир».
00.10 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия.
01.10—01.15 Тунги пойтахт тароналари.
II
9.00 Муборак Рамазон. «Одобнома».
9.10 «Бугуннинг боласи».
9.30 Дилнавоз садолар.
9.35 «Яхши дам олинг».
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Олис ва яқин Ҳиндистон». Янги йил туҳфаси.
10.40 «Иймон».
11.00 «Мусиқа ва рақс».
11.20 «Бокс. Бокс. Бокс».
11.50 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Муборак Рамазон. «Одобнома».
18.25 «Боланинг тили».
18.40 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Таянч».
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Интер-футбол».
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 Видео-«О».
00.30—00.35 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.20 «Бах ва Брокколи». Болалар учун фильм (Канада).
*
Россия жамоат телевидениеси.
19.05—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «О. Газманов куйлайди».
22.05 «Рам ва Лакхан». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20—23.45 «Севимли шаҳрим нурлари». Телефильм.
IV
10.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
10.45 «Рақслар қанотида».
11.15 Эълонлар.
11.20 «Ассалом, Франция!»
11.50 «Шанба эртаги».
13.20—13.50 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага назар» кўрсатувига илова).
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Спектаклдан сўнг».
20.35 «Биргаликда куйлайлик».
21.20 «5 дақиқа ўзим учун».
21.25 «Чинсэн».
21.55 «Тақдирлар».
22.30 «Спорт маркази».
23.15 «Хит-коллекция».
23.35 «Самодаги олмослар». Телесериал.
00.25 «Бу ажиб дунё».
00.40—00.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 4

I
5.05 Муборак Рамазон туҳфаси. «Раисбек». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 5-қисм.
11.45 «Туташ томирлар».
12.05 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.05 «Қувноқ стартлар».
13.45 «Ўзбектелефильм» намо-йиш этади: «Усуллар парвози».
14.10 «Бизга мактуб йўллабсиз».
14.35 «Қундуз тоғанинг қиссалари». Мультсериал.
15.05—15.55 «Арча атрофида».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Янги йил саргузаштлари».
18.30 «Киёфа».
18.50 «Нафосат гулдастаси».
19.15 «Жаҳон спорти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Якшанба оқшомида».
21.50 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 6-қисм.
«Аср муъжизаси» кинодастури.
22.40 «Кино янгиликлари».
23.00 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.
II
9.00 Муборак Рамазон. «Одобнома».
9.10 «Боланинг тили».
9.25 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.45 «Таянч».
10.00 «Табиат шифохонаси».
10.10 «Ханда дўкони».
10.40 «Иймон».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Интер-футбол».
12.10 Видео-«О».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Муборак Рамазон. «Одобнома».
18.25 «Болалар дунёси».